



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUGI

20 14 yil 21 02

№ 42

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги  
ПФ-4958 - сон “Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада  
такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958 - сон “Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958 - сон “Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси (Ў.С.Исмаилов), Кадрлар билан ишлаш бошқармаси (Т.П.Ҳақимов), Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истиқболни аниқлаш бошқармаси (Ё.Р.Файзуллаев), Илмий-текшириш фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими (Т.А.Набиев), Юридик хизмат (Р.И. Махаммадиев), олий таълим муассасалари, илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари раҳбарларига:

Фармоннинг мазмун ва моҳияти илмий кенгашлар йиғилишларида катта илмий ходим, мустақил изланувчиларни ва илмий раҳбарларни жалб этган ҳолда чуқур ўрганилиши ва тушунтириш ишлари олиб борилишини;

2017 йилнинг 1 июлидан олий ўқув юртдан кейинги таълимнинг икки босқичли тизими жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони ижросини таъминлаш бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат

003633 


аттестациясига оид таклифларни, жумладан фалсафа доктори (Ph.D) ва фан доктори илмий даражаларини бериш бўйича диссертация ишлари мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар, хорижий давлатларда берилган илмий даражалар ҳақидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификация (эквивалентлигини қайд этиш) қилишнинг амалдаги тартибини такомиллаштириш, малакавий имтиҳонларни ташкил қилиш бўйича таклифларни жорий йилнинг 27 февралига қадар Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилишини таъминлаш топширилсин.

3. Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи Ў.С. Исмаилов ва Илмий-текшириш фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Т.А.Набиевлар зиммасига олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси бўйича асосланган таклифларни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур буйруқ чиқарилиши муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 2012 йил 27 июлдаги 221-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.М. Хаджибаев зиммасига юклатилсин.

Вазир



А. Шадманов


**КИРИТИЛДИ:**

Илмий текшириш фаолиятини  
мувофиқлаштириш Бўлими бошлиғи

 Т.А. Набиев

**КЕЛИШИЛДИ:**

Вазирнинг биринчи ўринбосари




А.М. Хаджибаев

Фан ва ўқув юртлари Бош  
бошқармаси бошлиғи



Ў.С. Исмаилов

Юридик хизмат бошлиғи

  
Р. И. Мухаммадиев

Кадрлар билан ишлаш бошқармаси



Т.П. Хакимов

Иқтисодиёт, молиялаштириш  
ва истиқболни аниқлаш бошқармаси



Ё.Р. Файзуллаев